

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**141** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Вазирлар Маҳкамасининг «Республика лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 23 мартдаги 50-сон қарори)

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 23 мартдаги 50-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 13 май,  
90-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 13 майдаги 90-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 27 апрелдаги 165-сон қарори 3-бандининг биринчи ва олтинчи хатбошидаги «ЎзшаҳарсозликЛИТТИ» акциядорлик жамияти» сўзлари «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда) 7-бандининг иккинчи хатбошидаги «ЎзЛИТТИ» акциядорлик жамияти» сўзлари «ТошуйжойЛИТИ» очик акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 1-илованинг «Устав фондида давлат улуши камида 51 фоиз бўлган етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари» бўлими (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й, 12-сон, 128-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Устав фондида давлат улуши камида 51 фоиз бўлган етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари:

1. «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти
2. «ТошуйжойЛИТИ» ОАЖ
3. «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК
4. «Ўзпўлатқурилмалойиҳа» ЁАЖ
5. «Ўзоғирсаноатлойиҳа» ОАЖ
6. «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ
7. «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК
8. «ЎзЛИТИнефтгаз» ОАЖ
9. «Гидролойиҳа» ОАЖ
10. «Ўртаосиётармоқлойиҳа» ОАЖ
11. «Қишлоқэнерголойиҳа» ОАЖ
12. «Иссиқликэлектрлойиҳа» ОАЖ
13. «Ўзкимёсаноатлойиҳа» ОАЖ
14. «ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» ДУК
15. ОКМКнинг лойиҳалаш ишлари бошқармаси
16. «Ўзенганлойиҳа» МЧЖ
17. «Ўзкоммуналлойиҳақурилиш» МЧЖ
18. «Ўзгазлойиҳа» МЧЖ
19. «Тоштемирйўллойиҳа» ОАЖ
20. «Боштранслоийиҳа» ОАЖ
21. «Йўл-лойиҳа бюроси» МЧЖ
22. «Тошкентбошпланлити» ДУК
23. «Алоқалойиҳа» ДУК
24. «ЎзГИП» МЧЖ
25. «Ўзсувлойиҳа» ОАЖ
26. «Сувсаноатфуқароли» МЧЖ
27. «Ўзагросаноатлойиҳа» МЧЖ
28. «Тиблойиҳа» МЧЖ
29. Ҳарбийлойиҳа
30. «Чегаралойиҳа» ЁАЖ
31. «Тошгипрогор» ОАЖ

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концернини тугатиш ва Навоий кон-металлургия комбинати фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2004 йил 19 майдаги 237-сон қарорига

3-иловадаги «ЎзГЕОТЕХЛИТИ» ЛИТИ» сўзлари «ЎзГЕОРАНГМЕТЛИТИ» ДУК» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 12-иловадаги «Файзуллаев Р.Ф. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Кенгаш раиси», «Давархитектқурилиш» кўмитаси раиси, Кенгаш раисининг ўринбосари», «Абдуллаев Б.У. — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖнинг лойиҳалар бош архитектори», «Леннешмидт Э.Ф. — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ бош муҳандиси», «Магдиев Б.М. — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ бош архитектори», «Мухамедшин Л.А. — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ бош муҳандиси», «Тахтаганов Р.З. — «ЎзЛИТИ» ОАЖнинг лойиҳалар бош архитектори» сўзлари тегишли равишда «Хўжаев Б.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, «Давархитектқурилиш» кўмитаси раиси, Кенгаш раиси», «Давархитектқурилиш кўмитаси раисининг ўринбосари, Кенгаш раисининг ўринбосари», «лавозими бўйича — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУКнинг лойиҳалар бош архитектори», «лавозими бўйича — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ бош муҳандиси», «лавозими бўйича — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ОАЖ бош архитектори», «лавозими бўйича — «ТошуйжойЛИТИ» ОАЖ бош муҳандиси», «лавозими бўйича — «ТошуйжойЛИТИ» ОАЖнинг лойиҳалар бош архитектори» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институтини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 6 февралдаги 14-сон қарорида:

а) 2 ва 5-бандлардаги «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти» сўзлари «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банд ва 1 — 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 22 октябрдаги 277-сон қарори 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» очик акциядорлик жамияти» сўзлари «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» давлат унитар корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.